



Тахаллус остида қатнашаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари

Ш.Х.Хакназаров

Судьялар олий мактаби мустақил изланувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада тахаллус остида қатнашаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Бундай тахаллус остида қатнашаётган шахсларнинг кўрсатмаларидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари исботлаш жараёнининг самарадорлигини ошириш, балки ишни кўришнинг тўлиқлиги ва холисона бўлиши билан бирга, одил судловни хавфсиз амалга ошириш мақсади ҳам ҳисобланади. Ушбу мақолада миллий ва хорижий қонунчилик билан бирга, олимларнинг фикрлари ҳам таҳлил қилинган.

Калит сўлари: тахаллус, ҳимоя қилиш, кўрсатув, хавфсизлик, самарадорлик, исботлаш, гувоҳ, жабрланувчи, жиноят процесси.

Peculiarities of using the testimony of persons participating under a pseudonym

Sh.Kh.Khaknazarov

Independent researcher of the Supreme School of Judges

Annotation: This article analyzes the features of using the testimony of persons participating under a pseudonym. The distinguishing features of using the testimony of persons participating under such pseudonyms are to increase the efficiency of the evidentiary process, the completeness and impartiality of the investigation, as well as the goal of the safe administration of justice. This article analyzes the opinions of scientists along with domestic and foreign legislation.

Key words: **pseudonym**, defense, testimony, safety, efficiency, evidence, witness, victim, criminal process.



Илм-фан ва хуқуқни қўллаш амалиётида тахаллус остида иштирок этаётган шахсларнинг кўрсатмаларини олиш ва кейинчалик уни исботлашда фойдаланиш билан боғлиқ бир қатор муаммолар муҳокама қилинади.

Олдинги параграфда тахаллус остида иштирок этаётган шахсларни кўрсатмаларининг жиноят процессида фойдаланиш учун маълум бир процессуал талабларига риоя қилган ҳолда олингандан сўнггина, далил сифатида қабул қилиш мумкинлиги айтилган эди.

Тахаллус остида қатнашаётган шахслардан кўрсатмалар олиш ва улардан келгусида исботлашда фойдаланиш масаласи, бир томондан уларнинг хавфсизлигини самарали таъминлаш учун ҳам муҳим, иккинчидан жиноят иши бўйича далил сифатида мақбул деб топиш учун ҳам муҳим, учинчидан эса, одил судловни рўёбга чиқишида кўмаклашиш ҳам муҳим ҳисобланади, бошқа томондан эса, ҳимоя томонга тахаллус остидаги шахсга саволлар бериш, ҳимояланиш имкониятини истисно қиласи.

Жабрланувчи, гувоҳнинг кўрсатувлари амалдаги жиноят процессуал қонунчилиги бўйича энг кўп тарқалган процессуал ҳаракатлардан бири ҳисобланиши билан бирга, амалиётда энг кўп талаб қилинадиган далиллардан бири сифатида ҳам қабул қилинади.

Афсуски, амалдаги қонунчиликда тахаллус остида кўрсатма бериш процессуал тартиби ва уни исботлашда фойдаланиш масаласи тартибга солинмаган. Бундан ташқари хуқуқни қўллаш амалиёти ҳам мукаммал эмас.

Демак, жиноят процессида тахаллус остида иштирок этаётган шахсларнинг кўрсатмаларини исботлашда фойдаланиш қоидаларини қўшимча ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни талаб қиласи, бу эса танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Амалдаги жиноят процессуал қонунчилигига кўра (ЖПК 81-модда), гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айланувчининг, судланувчининг ва экспертнинг кўрсатмалари далиллар рўйхатига киритилган.

Демак, демократик давлатларнинг жиноят процессуал қонунчилигига тахаллус остида қатнашаётган гувоҳларнинг кўрсатмаларидан айланувчининг



айбдорлигини исботлашда ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаш мақсадида фойдаланиш мумкинлигини назарда тутади. Тахаллус остида сўроқ қилинаётган шахсларни шахси, ҳимоя томонга номаълум бўлган шахс сифатида намоён бўлиб қолади.

Тахаллус остидаги шахснинг шахси тўғрисидаги маълумотлар ҳимоя томонга номаълум бўлганлиги, кўрсатувларни ишончилигини текшириш, баҳолаш, атрофдаги воқеаларини объектив идрок этиш қобилиятини аниқлаш, иш бўйича манфаатдорлиги, шу билан бирга жиноят процессининг бир қатор принципининг бузилиши: жумладан тарафларнинг ўзаро тортишуви, гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи, далилларни баҳолаш эркинлиги каби масалалари имкониятидан маҳрум қиласди.

Бу ҳақда россиялик ҳуқуқшунос Б.Миренский, албатта, айбланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши мумкин, аммо бу унинг бурчи эмас, балки ҳуқуқидир. Айбланувчи, гувоҳнинг шахси, ва улар билан ўзаро муносабатлар масаласида аниқлаш ҳуқуқига эга деб фикр билдиради³.

Бундай кўрсатмаларни далил сифатида тан олишда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси қоидаларини амалга ошириш билан боғлиқ муаммо юзага келади. Унга кўра фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуqlари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Тахаллус остидаги гувоҳнинг кўрсатмалари - жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун муҳим бўлган ҳолатлар тўғрисида қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда гувоҳ томонидан тақдим этилган фактик маълумот далил бўлиб ҳисобланади. Демак, умумий қоидага кўра, фақат процессуал тартибда олинган кўрсатувлар фактик далил бўлиб ҳисобланиши мумкин. Бу қоида иштирокчилардан ишончли кўрсатув олиш мақсадида ўрнатилади. Умуман олганда, тахаллус остидаги гувоҳ кўрсатмаларининг мақбуллиги, оддий гувоҳларнинг кўрсатмаларининг мақбуллигига нисбатан кўшимча мезонларга асосланган бўлиши табийdir.

³ Миренский Б ва бошқалар. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. 49, 84 б.



Маълумки, мақбуллик ҳар қандай далилнинг муҳим хусусиятларидан биридир. Бу, биринчи навбатда, ЖПКдан келиб чиқади⁴, бу қонунга хилоф усуллар орқали ёки процесс иштирокчиларини қонун билан кафолатланган ҳукуқларидан маҳрум қилиш ёхуд бу ҳукуқларини чеклаш йўли билан қонунни бузган ҳолда олинган далиллар, яъни талаблари бузган ҳолда далилларнинг олинишини таъкиқлайди. Далилларнинг мақбуллиги, биринчи навбатда, шахснинг ҳимояга бўлган ҳукуқларини амалга ошириш билан бирга, уларнинг қонституция ва қонунларда кўрсатилган тартибда олиниши талаб этилади.

Тахаллус остидаги шахсларнинг кўрсатмалари ишда далил сифатида тан олиш учун, далилларнинг ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозим. Агар кўрсатма ишда аниқланган ҳолатларга оид иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни ўз ичига олса, бундай кўрсатма алоқадорлиги бўйича муҳим далил бўлиб хизмат қиласди. Дастребки тергов даврида, иш бўйича тўпланган ҳар қандай маълумот муҳим ёки ишончли деган ҳолатда йиғилади, улар тахминий ёки эҳтимоллик характерга эга бўлиши мумкин. Бу субъектнинг процесс давомида англаш орқали синчковлик билан ушбу маълумотлар текширилади, баҳоланади ва жиноят ишида далил деб эътироф этиш ва ҳақиқатни фош қилиш учун яроқли деган хulosага келиб тегишли қарор қабул қиласди⁵.

Жиноят ҳақидаги ҳодисалар билиш орқали содир бўлади ва далиллар ана шундай билиш воситаси хисобланади. Исбот ҳар доим жараён, муроҳазалар, ҳукмлар ва хulosалар жараёни билан кечади⁶.

Далилларнинг мазмуни тергов қилинаётган иш ҳақидаги маълумотлар ва хабардан иборат. Далиллар назариясига россиялик ҳукуқшунос В.Я.Дорохов томонидан ишлаб чиқсан концепция ўз хиссасини қўшди. Унинг фикрича, далиллар ахборот табиатига эгадир⁷.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. - Т.: Ўзбекистон, 2022. 95¹-моддаси.

⁵ Лупинская П.А. Доказательства и доказывание в новом уголовном процессе // Российская юстиция.-2002.-№ 7. С. 6.

⁶ Васяев А.А. Признание доказательств недопустимыми в ходе судебного следствия в суде первой инстанции в российском уголовном процессе - «Волтерс-Клуверс», 2010. – С.3.

⁷ Орлов Ю.К. Проблемы теории доказательств в уголовном процессе. – М.: Юристъ, 2009. – С.52.



Дарҳақиқат, дунёда ахборот инсоннинг ажralmas қисми ҳисобланади, ва унинг моддий ташувчиси инсон ҳисобланади. Тўғри таъкидланганидек, содир бўлган воқеалар инсонлар онгидан муҳрланади ва улар орқалигина (сўроқ орқали) билиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, далил тушунчаси фактларнинг ўзини эмас, балки улар (жиноят) ҳақидаги маълумотларни, ахборотларни ўз ичига олади. Айтиш жоизки, фактик аҳамиятга эга бўлган маълумотлар ичидан ҳамдардлик, жирканиш каби ҳис-туйғуларни ўз ичига олмаслик лозим.

Бу масалада россиялик хуқуқшунос А.Р.Белкиннинг фикри диққатга сазовордир. Унинг таъкидлашича, ишончли далиллар олиш учун ишга алоқадорлик, мақбуллик ва ишончлилик бўлиши лозим. Фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш учун, ушбу учта умумий шартлар асосида тегишли бўлиши даркор, ва далиллар мажмуи билан тасдиқланиб баҳоланиш керак⁸.

Бугунги кунга қадар таниқли инглиз файласуфи И. Бентамнинг қуйидаги сўзлари долзарб: “гувоҳга ишонмаслик учун, ишончсизликка сабаб бўлиши керак”⁹.

Исботлашга оид англо-саксон хуқуқ тизимиға мансуб давлатларда бу масалага ўзгача ёндашилган. Чунончи, гувоҳ факат ўзи кўрган ёки идрок этган ҳолатлар ҳақида хабар бериши шартлиги тўғрисидаги қоида ўрнатилган. Унга кўра, одамларнинг айтишича, миш-миш гаплар ёки овозаларга қараганда деган кўрсатмалар судда далил сифатида қабул қилинмаслиги тўғрисидаги қоида амал қилинади.

Мисон учун, Буюк Британия ва Америка Кўшма Штатлари қонунчилигига биноан, гувоҳ факат жиноят ҳолати бўйича шахсан ўзи кузатган ёки идрок этган фактлар бўйича гувоҳлик бериши мумкин, деган формулага асосланилади¹⁰. Судда гувоҳ иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича факат шахсан ўзи кўрган ва идрок этган нарсалар ҳақида оғзаки ёки ёзма кўрсатув бериш шаклига амал

⁸ Белкин А. Р. Протокол следственного действия: форма и содержание // Публичное и частное право. 2015. № 1. С. 145–147.

⁹ Бейтам Г. Трактат о судебных доказательствах / пер. с французского И. Гороновича. - Киев, 1876. С. 19, 394.

¹⁰ Лоскутова Т.А. Свидетель и его показания в уголовном процессе Англии и США: [Электронный ресурс]: Дис. ... канд. юрид. наук: 12.00.09. М.: РГБ, 2006. С. 38.



қилинади. Ҳимоя томонга энг муҳими судда гувоҳ кўрсатув бераётганда, бу кўрсатувлар ўзганинг сўзларими ёки шахсан ўзи кўрган ёхуд идрок этган белгиларига тўғри келадими ёки йўқлигини аниқлаш учун имконият берилган. Бу процессуал қоида, қарама-қарши томонга судда ушбу арзлардан фойдаланишга қарши протест билдириши учун муҳимдир. Бундан ташқари, бундай далилларни кўрсатма сифатида келтирувчи томон суд ва халқ маслаҳатчилари тинглаши учун ҳам муҳимдир.

Айтиш жоизки, иш бўйича аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар бўйича одамлардан вақт ўтиши билан ўзгадан (учинчи шахсдан) эшитилган сўзларини айтиб беришда ва уни қайта такрорлашда хатоликка йўл қўйилиши мумкин. Зеро бу одамга хос хусусиятлардан биридир, вақт ўтиши билан одамда эслаш қобилияти бузилади ва кўпгина нарсаларнинг белгилари эсдан чиқаради. Демак, ўзганинг сўзларидан (учинчи шахсдан) эшитилган кўрсатувлар мақбул далил сифатида қабул қилиш шубҳа туғдиради ва кўпинча хатога йўл қўйилади.

Ўзгадан эшитилган (учинчи шахсдан) кўрсатмаларининг номақбуллигининг энг асосий ва муҳим жиҳати шундан иборатки, ўзгадан эшитилган кўрсатма уни бераётган шахсга, ҳимоя томон савол бериши имкониятидан маҳрум этади. Юзлаштириш айнан далилларни ишончлилигини текширишда муҳим синов бўлиб хизмат қиласиди, чунки айнан юзлаштириш пайтида бевосита йўл қўйилган яширин хатоларни аниқлаш мумкин бўлади.

Шунинг учун, (учинчи шахсдан) ўзгадан эшитилган кўрсатувларни далил сифатида қабул қилиш энг катта процессуал хатолардан бири деб ҳисоблаймиз, шунингдек қарама-қарши томоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаслигимиз керак.

Шу мақсадда, қонунчиликнинг 95¹-моддаси 6-бандига қўшимча тўлдириш мақсадга мувофиқ: Жумладан;

6) жабрланувчининг, гувоҳнинг кўрсатмалари таҳминларга, келиб чиқши манбасини кўрсата олмаслик ёки учинчи шахслардан эшитилган хабарлардан;

Учинчи шахслардан эшитилган хабарларни истисно тариқасида далил сифатида қабул қилиш мумкин. Бунда учинчи шахслардан эшитилган хабарлар



далил сифатида тан олиш учун исботлашнинг учта элементи мавжуд бўлиши лозим. Унинг асосий белгилари қўйидагилардан иборат: тўплаш, текшириш, баҳолаш. Ушбу келтирилган учта элементлар мажмуи билан кўрсатмалар тасдиқланмас экан, бундай кўрсатмалар номақбул деб топиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига мувофиқ (ЖПК 95-модда, 1-қисм), "хар бир далил алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги бўйича жами йигилган барча далиллар жиноий ишни ҳал қилиш учун етарлилик нуқтаи назаридан баҳоланиши керак".

Хуқушунос-мутахассис С.Сахаддиновнинг фикрича, жиноят иши қонуний, асосланган ваadolатли ҳал қилиниши учун, ушбу учта элемент мавжуд бўлиши лозим ва мазкур исботлаш элементлари бир-бирига ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо этиши даркор¹¹.

Исботлаш деганда, далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш учун ишни юритаётган ваколатли шахсларнинг (суриштирувчи, терговчи, прокурор) жиноят содир этишда гумон қилинувчи ва айбланувчини фош этиш ва унинг айбини асослаш бўйича ақлий ва амалий фаолиятни тушуниш лозим¹².

Далиллар мажмуи терговчи ёки суриштирувчи томонидан жиноят изларини аниқлаш ва қайд қилиш бўйича когнитив ва тасдиқловчи тергов ҳаракатларини амалга ошириш орқали шакллантирилади.

Юқорида келтирилган баҳолашнинг учта элементи нафақат хусусият, балки далил сифатида қабул қилиш керак бўлган талаблар ҳам ҳисобланади. Шунингдек бу элемент далилнинг белгилари ҳамdir. Ва ана шу учта элемент мажмуилиги асосида процессуал қарор қабул қилиниши мумкин.

Шундай қилиб, процессуал далилларнинг моҳияти нафақат далилларнинг миллий назарияси томонидан белгиланган шакл ва мазмунида ифода этиш керак, балки далилларнинг алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги белгилари нуқтаи назаридан мавжудлигидан иборат.

¹¹ Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шархлар. Умумий қисм (илмий амалий шархлар) / Маъсул муҳаррир: профессор Б.Х.Пўлатов. - Т.: Янги аср авлоди, 2014. 192 б.

¹² Лазарева В.А. Доказывание в уголовном процессе: учебно-практич. пособие. – М.: Издательство Юрайт; Высшее образование, 2010. С. 50.



Мазкур хусусиятлар, белгилар ва шакллар тахаллус остида кўрсатма бераётган шахсларга ҳам таалуқлими деган ўринли савол туғилади. Бунга жавоб олиш учун далиллар назариясига оид илмий таҳлил қилишдан бошлаш мантиқан тўғри келади.

Бу хусусида процессуалист олимлар турлича фикр билдирганлар, ва ўз тадқиқот ишларида очиб берганлар¹³.

Юқорида санаб ўтилган барча далил элементлари жиноят ишини ҳар томонлама, тўлиқ ва холис қўриб чиқиш учун зарурдир. У ёки бу элементнинг йўқлиги мавжуд фактдан муайян жиноят ишида далил сифатида фойдаланишни имконсиз қиласи.

Элементларнинг ҳар бирининг хусусиятларини аниқроқ тушуниш учун биз уларни мажмуида ва алоҳида-алоҳида қўриб чиқамиз.

Баъзи манбаларда далилларнинг алоқадорлиги исботлаш предмети бўлган фактларни аниқлаш манбаси сифатида талқин этилади, яъни далил мазмунини ташкил этувчи маълумотлар билан жиноят ишини тўғри ҳал этиш учун нималар ўрнатилиши зарурлиги ўртасидаги мантиқий боғлиқликни аниқлаш учун зарур ҳисобланади. Агар маълумотлар жиноят иши учун алоқадор бўлмаса, у далил сифатида тан олинмаслиги керак. Далилларнинг алоқадорлигини аниқлаш, исботлаш жараёнида амалга оширилади.

Бошқа манбаларда алоқадорлик деганда далиллар мазмuni ва исботланиши керак бўлган ҳолатлар ўртасидаги боғлиқлик тушунилади, бу эса ушбу ҳолатларни аниқлаш учун далиллардан фойдаланишга имкон беради¹⁴. Ишга алоқадор бўлган далиллар, фақат исботланиши керак бўлган ҳар қандай ҳолатларни бевосита ёки билвосита тасдиқлаши керак. Бинобарин, ҳар қандай факт, ҳар қандай ахборот оқими исботлаш жараёнида биринчи навбатда уларнинг алоқадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқилади ва баҳоланади. Биз, бу фикрларга қўшиламиз, лекин шуни таъкидлашни истардикки, алоқадорлик нафақат мантиқий боғлиқлик ва

¹³ Иномжонов Ш.Х. Далиллар назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. / ю.ф.д, проф. Ф.А.Абдмажидовнинг таҳрири остида. – Т.: 2006. – 135 бет.

¹⁴ Уголовный процесс: Учебник для бакалавриата юрид. вузов / Под ред. О.И. Андреевой, А.Д. Назарова, Н.Г. Стойко и А. Г. Тузоваю Ростов н/Д: Феникс, 2015. С. 122.



фактни тасдиқлаш керак, балки муайян (юритилаётган) жиноятга тегишлиликни ҳам ўз ичига олиши керак.

Процессуалист олим А.А. Хмиров, ўзининг тадқиқотларида алоқадорлик тушунчасини энг тўғри ва чуқур очиб берган, яъни далилларда мавжуд бўлган маълумотлар ва изланаётган факт, қидирилаётган шахслар ўртасидаги объектив боғлиқлик бўлиш лозимлигини биринчи ўринга қўйган. Унинг таъкидлашича, бундай далил келгусида исботлаш воситаси сифатида фойдаланишга имкон беради¹⁵.

Демак, ҳар бир факт, бошқа бир факт билан боғлиқ бўлади, агар улардан бири қайсиdir маънода бошқа фактнинг пайдо бўлиш эҳтимолини аниқласа, бу ўзаро боғлиқликнинг моҳиятидир.

Иш юритишнинг биринчи босқичи, билиш босқичи ёки билиш даражаси ҳам деб аталади. Биринчи босқичда жиноят процессида иштирок этаётган мансабдор шахслар томонидан тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар жараёнида тўпланган ахборотларни алоқадорлиги бўйича баҳоланади.

Дастлабки босқичда тергов органлари эътиборига тушган ва тўпланган маълумотлар аҳамиятсиз далил сифатида кўриниши мумкин. Бу босқичда, тўпланган маълумотлар ва дастлабки босқичда қидирилаётган фактлар ўртасида объектив боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида аниқ хulosा чиқариш эрта ҳисобланади, чунки аҳамиятсиз кўринган маълумотлар келгусида бошқа тўпланган маълумотлар билан алоқадорлиги текширилганда ва баҳоланганди, далил сифатида қўшилиши мумкин. Далилларга қўйиладиган барча бошқа талаблар: етарлилиги, мақбуллилиги ва ишончлилиги - далилларнинг исботлаш предметига тегишли бўлиши ҳақидаги талабнинг бирламчи қондирилишини назарда тутади.

Мақбуллик ишни моҳиятан ҳал қилиш учун муҳим бўлган ҳолатни аниқлай олгандан сўнгина, мантиқан тўғри бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар, тахаллус остида қатнашаётган шахсларга ҳам тааллуқлидир. Уларнинг алоқадорлиги бевосита исботлаш предметига киритилган ҳолатларни аниқлаш орқали белгиланади. Ахборотларнинг

¹⁵ Хмиров А.А. Косвенные доказательства в уголовных делах. – СПб.: Юрид. центр «Пресс», 2005. С. 126.



алоқадорлиги хусусияти тахаллус остидаги шахснинг онгода муҳрланади, хабарларнинг (маълумотларнинг) мазмуни қонунчиликда ўрнатилган тартибда текширилганда ва баҳолангандағина, уларни жиноят ҳодисасига бевосита ёки билвосита объектив боғлиқ ёки боғлиқ эмаслиги аниқланади. Демак, шахсга доир маълумотларнинг сир сақланиши исботлаш предметига таъсир қилмайди. Чунки, қонунчиликда фақат шахснинг кўрсатмалариға таяниб ҳукм чиқаришга йўл қўйилмайди, чунончи далиллар мажмуи билан ўз тасдиғини топиш лозимлиги белгилаб қўйилган (ЎзР Олий суди Пленумининг қарори, 24.08.2018 йилдаги 24-сон).

Келинг, ушбу хусусиятларнинг ҳар бирини умумий шаклда таҳлил қилиб, сўнгра тахаллус остидаги шахсларнинг кўрсатмаларини исботлашда фойдаланиш масаласига баҳо берамиз.

Миллий жиноят процессуал қонунчилик талабларига мувофиқ олинган далиллар, мақбул деб топилади. Россиялик хукуқшунос В.А.Лазаревнинг сўзларига кўра, “мақбул далиллар, бу қонун талабларига мувофиқ олинган далиллардир. Фақат шундай далиллар юридик кучга эга бўлиб, айловнинг асосига ва иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни исботлаш учун ишлатилиши мумкин”¹⁶.

Яна бир россиялк хукуқшунос А.Р.Белкиннинг сўзларига кўра, “Далилларнинг мақбуллиги деганда, унинг қонунийлиги ва ҳақиқатни аниқлаш учун фойдаланишининг хаққонийлигини англатади. Бу, биринчи навбатда, мавжуд бўлган далиллар манбанинг мақбуллигини белгилайди”¹⁷.

Мақбул деб топиш талаби, фойдаланиладиган далилларнинг ишончлилиги ва мақбуллигини таъминлаш учун хизмат қиласи, процессуал шаклни бузган ҳолда олинган фактик маълумотлардан фойдаланишни истисно қиласи. Далилларнинг мақбуллиги ҳақиқатни аниқлашнинг муҳим кафолати ҳисобланади.

Мақбуллик - маълумот олиш манбалари, усуллари ва методларнинг қонунийлиги нуқтаи назаридан олинганлигидир. Юридик адабиётларда

¹⁶ Лазарева В.А. Доказывание в уголовном процессе. М.: Высш. образование, 2009. С. 145.

¹⁷ Белкин А. Р. Б43 Теория доказывания в уголовном судопроизводстве. – М.: Норма, 2007. – 528 с.



далилларнинг мақбуллигининг қуидаги мезонлари ажратилади: исботлаш предметининг алоқадорлиги; далиллар манбанинг алоқадорлиги; далиллар тўғри усулда тўпланганлиги; процессуал ҳаракатлар ва расмийлаштиришнинг тегишли тартибда амалга оширилганлиги.

Аммо жиноят процессуал иш юритиш қоидалари, шу жумладан далилларни тўплаш қоидалари ҳам табиати, ҳам маъноси жиҳатидан жуда хилма-хилдир: уларнинг баъзилари жиноят процесси иштирокчиларининг хуқуқларини кафолатлашга қаратилган бўлса, бошқалари эса, далилларнинг ишончлилиги қаратилган, учинчиси эса, техник хусусиятга эгадир.

Далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо бериш субъектлари суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳисобланади.

Исбот қилишда далилларнинг мақбуллиги тергов ва суд томонидан ишнинг юридик аҳамиятга эга бўлган ҳолатларини тўғри аниқлаш, қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилишда муҳим кафолат бўлиб хизмат қиласи, бунинг пировардида мақсади, одил судловга эришишdir.

Далилларга баҳо беришда алоқадорлик, мақбуллик талаблари исбот қилишда алоҳида ўрин тутади. Ушбу талаблар исботлаш воситаларининг ишончлилигини таъминлашга асос яратади. Ишончлилик деганда, ҳақиқатнинг мавжудлиги тушунилади. Ишончлилик ишнинг асосланганлиги, исботланганлиги, шубҳасизлиги сифатида тавсифланади.

Ишончлилик институти борасида россиялик хуқуқшунослар Е.М. Лившиц ва Р.С. Белкиннинг фикрлари ўринлидир. Уларнинг таъкидлашича, терговчи ва суд хulosаларининг объектив воқеликка тўлиқ мос келишини, яъни бу ҳолатда объектив ҳақиқатнинг ўрнатилиши, масаланинг ягона тўғри ечимини англатади, чунки ҳақиқат доимо ягона, конкретдир¹⁸.

Ишончлилик далилларнинг сифатлилигидан далолат беради, чунки у жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар билан боғлиқ маълумотларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди. Россиялик хуқуқшунос А.В. Авериннинг фикрича, "суд ҳақиқати ёки суд ишончлилиги масаласи бўйича оралиқдаги ўртани топиш керак",

¹⁸ Белкин Р.С., Лившиц Е.М. Тактика следственных действий. — М.: НОРМА, 2001. с. 152.



чунки "ҳақиқат" ва "ишончлилик" бир-бирига зид эмас, "исботланган хulosса ишончли бўлиши мумкин, демак, ишончли хulosса ҳақиқатнинг ўзи демакдир¹⁹.

Миллий ҳукуқшунос олимларимиздан Б.А.Азизхўжаев, "Адолатли қарорларни чиқариш ва хulosаларни асослантирилиши исбот қилишнинг мустақил таркибий элементи сифатида қараш лозим" деган фикрни илгари сурган²⁰.

Бизнинг фикримизча, жиноят иши холисона исботланган ҳолатлар асосида ҳал қилиниши керак. Бу масалада, Б.Ю. Миронов фикри тўғри, ҳар қандай исботланган ҳолат, билиши мумкин бўлган субъектни ишонтиради, шунингдек, жиноят иши бўйича қабул қилинган хulosалар жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳам ҳақиқийлигига ишонтиради²¹. Ишончли далилларни олиш учун, процессуал тартибда риоя қилиш орқали эришилади, яъни иш учун аҳамиятли бўлган маълумотлар тўплаш, уларни қайд этиш ва ушбу маълумотларни синчковлик билан текшириш, баҳолаш билан амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганларга асосланиб, ишончлилик исботланган билим деган хulosага келиш мумкин, ҳақиқатлилик шубҳа тўғдирмасликдир. Ҳақиқийликдан фарқли ўлароқ, ишончлилик билими, ҳақиқийликни асосланганлигини назарда тутади. Исботлашнинг натижаси қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга қатъий риоя қилган ҳолда ва унинг асослилигига шубҳа қилмасдан тўплаш, текшириш ва баҳолаш йўли билан олинган билимлар исботланган (ишончли) бўлиши керак.

Юқорида келтирилган уч элементнинг ҳар бири жиноят процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

Исбот қилиш субъекти бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ҳар бир ҳолатни синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона кўриб чиқишига

¹⁹ АверинА.В. Судебная достоверность как содержание судебной истины // Право и политика. — 2004. — № 5. - С. 19.

²⁰ Азизхўжаев Б.А. Оценка доказательств в уголовном процессе. Тошкент. "Узбекистан", 1995. 15-бет.

²¹ Миронов В.Ю. К вопросу о характере судебной истины и ее связи с уголовно-процессуальной достоверностью //Ученые записки: сб. науч. тр. юрид. ф-та Оренбург, гос. ун-та. — Вып. 3. — Оренбург: Изд. центр ОГАУ, 2006. С. 223.



асосланган ҳолда қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилиб ўзининг ички ишончига таяниб далилларни тўплайдилар, текширадилар ва баҳолайдилар.

Юқоридагиларга асосланниб, юзага келган энг муҳим ҳуқуқий муаммо шундан иборатки, тахаллус остида иштирок этиш маълум даражада гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя қилиш ҳуқуқини сезиларли даражада чеклайди. Тахаллус остидаги шахснинг шахси тўғрисидаги маълумотларнинг йўқлиги, қарама-қарши томонга гувоҳнинг, жабрланувчининг ўзи ишончсизлигини далолат бериши ҳамда уларнинг кўрсатмаларини текшириш, унга саволлар бериш ва уларни рад этиш имкониятини сезиларли даражада чеклайди.

Бу гумон қилинувчининг, айбланувчининг қонун билан кафолатланган ҳимояланиш, тортишув ҳуқуқининг бузилишига олиб келиши мумкин. ЖПКнинг 16, 22, 24-25-моддалари ва халқаро умумэътироф этилган нормаларини бузиш²² (14-модда, 3-қисми, е) ўзига қарши кўрсатма берадётган гувоҳларни сўроқ қилиши ёки ана шу гувоҳлар сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиши ва унга қарши кўрсатма берадётган гувоҳлар учун бўлган шартларда унинг ўзи танлаган гувоҳларнинг терговга чақирилиши ва сўроқ қилиниши ҳуқуқига эга бўлиши) ва адолатли судлов ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилиш мумкин. Буларнинг барчаси ҳимоя томоннинг процессуал позициясини самарали ҳимоя қилиш қобилиятини сезиларли даражада чеклайди.

Ушбу масалада олиб борилган ижтимоий сўровлар ҳам деярли қайд этиб ўтилган фикрларни тасдиқлайди. Чунончи, сўровга жалб этилган тингловчилар, терговчилар, прокурор ва судьяларнинг 66,8% тахаллус остида иштирок этаётган шахслар гумон қилинувчининг, айбланувчининг ҳимоя бўлган ҳуқуқларини чеклашини тасдиқлайдилар²³. Шунингдек, тахаллус остида иштирок этиш, ҳимоя томонга иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни тўғри идрок этиш ва (ёки) уларнинг кўрсатмаларида номақбуллик мавжудлигини кўрсатувчи далилларни тақдим этишга имкон бермайди.

²² Ўзбекистон Республикаси мазкур Халқаро пактга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 31 авгуstdаги 127-1-сонли «1966 йил 16 декабрдаги фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга кўшилиш хақида»ги [карорига](#) асосан кўшилган.

²³ Диссертация 2-иловасига каранг



Россиялик ҳукуқшунос А.Ф. Галузин, жиноят процесси принципларига зид бўлган ҳолда процессуал ҳукуқ нормаларини қўллаш, сустеъмоллик билан боғлайди, "бу процесс иштирокчисининг ҳар қандай қонуний ҳукуқларини бузиш" деб қарайди²⁴.

Бизнинг фикримизча, нопроцессуал характерга эга бўлган ҳаракатлар ҳукуқни сустеъмол қилиш сифатида қараш мумкин. Масалан, ҳимояланиш ҳукуқига эга бўлган шахс жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан психологик ёки жисмоний таъсир (таҳдид) қилишини қандай баҳолаш мумкин. Бу билан, ҳимояланиш ҳукуқига эга бўлган шахснинг ҳаракатини, одил судловни амалга оширишга тўсқинлик сифатида қараш мумкин. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси инсонлар ўз ҳукуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа ижтимоий муносабат иштирокчиларининг манфаатларига зид бўлган ҳукуқ ва эркинликларни амалга оширишга йўл қўйилмаслиги талабини белгилайди. Бу билан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳукуқларни сустеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги принципини белгилайди. Бизнинг фикримизча, бундай сустеъмоллик ноконуний ва қонуний ҳаракатларни амалга ошириш шароитида юзага келиши мумкин. Энг асосийси, инсон ва фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларини бузишга йўл қўйилмасликни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жабрланувчилар, гувоҳлар, гумон қилинувчилар ва судланувчиларнинг ҳукуқлари ўртасида ҳеч қандай устунликни бермайди. Агар юқоридаги конституциявий қоидани сўзма-сўз талқин қилсак, айбланувчининг ҳимоя қилиш ҳукуқи ва гувоҳнинг шахсий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукуқи ўртасида мувозанатни сақлаш истаги бор деган хulosага келишимиз мумкин (ҳаётига, соғлиғига, шаъни, қадр-қимматига, мулкий ҳолатига тажовузларга йўл қўйилмаслик). Белгиланган устуворликлар бир хил аҳамиятга эга.

²⁴ Галузин А.Ф. Некоторые вопросы обеспечения безопасности уголовного процесса // Проблемы применения Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации органами прокуратуры: Сборник статей / Под общ. ред. А.Г. Халиулия. -М, 2005. С. 163.



Хулоса қилиш мүмкінки, мамлакатимиз Асосий қонуни жиноят процессининг барча иштирокчиларининг ҳуқуқларини бузмаслиги керак бўлган қоидани амалда бажарилишини талаб қиласди.

Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларни хавфсизлигини таъминлаш масаласи ЎзР ЖПК тўғридан-тўғри назарда тутилган, инсоннинг асосий ҳуқуқларидан бири бўлган яшаш ҳукуқини амалга оширилишини таъминлаш қонунчилик мақсадларидан биридир, ҳамда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари замонавий жамиятнинг олий қадрияти ҳисобланади.

Шунингдек, тахаллус остида кўрсатмаларни бериш масаласи “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Европа конвенцияси билан кафолатланганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир²⁵.

Шу жумладан, бир қатор ривожланган Европа давлатларининг (Россия, Германия, Белоруссия) жиноят процессуал қонунчилигига тахаллус остидаги шахсларни сўроқ қилиш, уларнинг кўрсатмаларидан исботлашда фойдаланиш ва улар асосида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларга ҳукм чиқариш назарда тутувчи нормалар киритилган.

Бизнингча, Европа мамлакатларининг позицияси тўғри, биринчидан, тахаллус остида кўрсатма бериш ва уларни жиноят ишида далил сифатида фойдаланиш ҳеч қачон Конвенция мезонларини бузмайди, иккинчидан, муаммони ҳал қилиш учун тахаллус остидаги шахснинг кўрсатмалари олинган ва фойдаланилган муайян жиноят ишининг ҳолатларидан келиб чиқиш керак, учинчидан, тахаллус остида ёхуд оддий гувоҳ сифатида кўрсатма бериладими йўқми, барибир, далилларга баҳо беришнинг умумий қоидалари қўлланилади, тўртинчидан, одил судловни амалга оширишда кўмаклашаётган шахснинг ҳуқуқларини кафолатлайди, бешинчидан, миллий қонунчилигимизда тахаллус остида иштирок этиш мүмкнлигини кўрсатувчи асослар ва шартлар белгиланган.

²⁵ Конвенция о защите прав человека и основных свобод (Рим, 4 ноября 1950 г.).



Муаммо юқоридаги мезонларни миллий қонунчиликда түғри акс эттириш ва мустаҳкамлаш лозим. Бу, биринчи навбатда, жиноят процесси жараёнида тахаллус остида иштирок этаётган шахсларнинг кўрсатувларни олиш ва улардан фойдаланишда инсон хукуқлари ва асосий эркинликларини бузилишига йўл қўймаслик учун зарур. Иккинчидан, ушбу далил манбаига нисбатан қонунга мувофиқ олинган далиллардан одил судловни амалга оширишда фойдаланишининг конституциявий хукуқи амалга оширилади.

Шундай қилиб, тахаллус остидаги шахсларнинг кўрсатмаларини далил сифатида қабул қилиш мезонларини қуидагилар сифатида ажратиб кўрсатиш мумкин: тегишли субъект томонидан қонунда назарда тутилган манбадан олинганлиги; қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда, яъни далиллар мақбуллигининг барча элементларига риоя қилган ҳолда олинганлиги; далил манбасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириши; тегишли шахсни тахаллус остида сўроқ қилишда қонуний тўсиқларнинг йўқлиги; шахсга доир маълумотларни сир сақланиши, бошқа жиноят иши материаллар билан танишиб чиқиши имкониятини чекламайди.